

БЎҒИМ ИЧИ ШИКАСТЛАНИШЛАРИДА ЯЛЛИҒЛАНИШ ВА ИММУН ГОМЕОСТАЗ БУЗИЛИШЛАРИНИНГ ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАРИ

Вахобов Комилжон Шахобидинович

Самарқанд тиббиёт университети

Кириш. Бўғим ичи шикастланишлари натижасида ривожланадиган гемартроз ҳолатлари клиник амалиётда оғир кечиши ва узоқ муддатли асоратларга олиб келиши билан аҳамиятли ҳисобланади. Бундай ҳолатларда бўғим тузилмаларининг механик шикастланиши билан бир қаторда, организмда тизимли ҳамда маҳаллий яллиғланиш-иммун реакцияларининг фаоллашуви кузатилади. Иммун гомеостазнинг бузилиши травматик яллиғланишни чуқурлаштириб, бўғим тўқималарининг тикланиш жараёнларига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, бўғим ичи шикастланишларида иммунологик ўзгаришларни ўрганиш патогенетик жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Бўғим ичи шикастланишлари билан кечувчи гемартроз ҳолатларида яллиғланиш ва иммун гомеостаз бузилишларининг патогенетик хусусиятларини баҳолаш.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқот қиёсий клинико-иммунологик усулда ўтказилди. Унда гемартроз билан кечган бўғим ичи шикастланишлари бўлган беморлар, изоляцияланган гемартрозли беморлар ва соғлом шахслар назорат гуруҳи сифатида ўрганилди. Периферик қонда хужайравий ва гуморал иммунитет кўрсаткичлари, шунингдек, яллиғланиш медиаторлари аниқланди. Қўшимча равишда синовиал суюқликда маҳаллий иммун-яллиғланиш реакциялари таҳлил қилинди. Олинган маълумотлар статистик усуллар ёрдамида қайта ишланди.

Натижалар. Тадқиқот натижалари бўғим ичи шикастланишлари билан кечувчи гемартроз ҳолатларида иммун гомеостазнинг сезиларли бузилиши

мавжудлигини кўрсатди. Айниқса, оғир шикастланишларда ҳужайравий иммунитет кўрсаткичларининг пасайиши, гуморал иммун жавоб омилларининг истеъмоли ва провоспалит цитокинлар концентрациясининг ошиши қайд этилди. Маҳаллий даражада синовиал суюқликда яллиғланиш медиаторларининг юқори фаоллиги аниқланиб, бу ҳолат бўғим ичидаги яллиғланиш жараёнининг фаоллигини кўрсатди.

Муҳокама. Олинган натижалар бўғим ичи шикастланишларида яллиғланиш жараёни иммун тизимининг барча бўғинларини қамраб олишини тасдиқлайди. Иммун гомеостаз бузилишлари яллиғланишнинг узок сақланиши ва бўғим тўқималари деструкциясига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, иммунологик кўрсаткичларни баҳолаш травматик гемартрознинг кечишини тўғри баҳолаш ва асоратларни олдиндан прогноз қилишда муҳим ҳисобланади.

Хулоса. Бўғим ичи шикастланишлари билан кечувчи гемартроз ҳолатлари яллиғланиш ва иммун гомеостазнинг изчил бузилиши билан характерланади. Иммунологик ўзгаришларнинг оғирлиги шикастланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлиб, уларни клиник амалиётда ҳисобга олиш даволаш тактикасини такомиллаштириш ва асоратларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.